# XI. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йилнинг январь-сентябрида чакана савдо товар айланмаси 3 143,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 245,5 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 7,8 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 96,3 фоизни ташкил этиб, 576,3 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 18,3 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 2 322,1 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,9 фоизга ўсди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 73,9 фоизга тенг бўлди.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби**
*(2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига)*




2018 йилнинг январь-сентябрда чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 0,4 млрд. сўмни ёки ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 96,3 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,01 фоизни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 3 143,4 млрд. сўмни ёки ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,99 фоизни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмининг энг катта улуши Жиззах шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 26,3 фоизни ташкил этди, Шароф Рашидов тумани 14,0 фоизни, Зомин 11,5 фоизни ташкил этган бўлса, Янгиобод тумани 1,4 фоиз, Зафаробод тумани 2,8 фоиз ва Арнасой тумани 2,9 фоиз улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

## Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши

*(фоиз ҳисобида)*




## 2018 йилнинг январь-сентябрда чакана савдо товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади

| | *Млрд. сўм* | *2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида* | *Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **3 143,8** | **106,9** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| йирик корхоналар | 245,5 | 162,7 | 7,8 |
| кичик тадбиркорлик | 2 898,3 | 103,9 | 92,2 |
| шундан уюшмаган савдо товар айланмаси | 2 322,1 | 105,9 | 73,9 |

**Чакана товар айланмаси**

*2018 йилнинг январь-сентябрида*

*(овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда)*

| | Жами | | Аҳоли жон бошига | |
|---|---|---|---|---|
| | млрд. сўм | 2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида | минг сўм | 2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида |
| **Жиззах вилояти** | **3 143,8** | **106,9** | **2 355,1** | **104,9** |
| *шаҳар:* | | | | |
| Жиззах | 828,2 | 108,5 | 4 795,5 | 107,0 |
| *туманлар:* | | | | |
| Арнасой | 89,8 | 103,4 | 2 004,4 | 102,0 |
| Бахмал | 315,7 | 106,3 | 2 097,9 | 104,2 |
| Ғаллаорол | 279,2 | 106,9 | 1 684,8 | 104,9 |
| Ш.Рашидов | 438,8 | 106,1 | 2 089,5 | 103,5 |
| Дўстлик | 141,6 | 105,9 | 2 226,8 | 104,0 |
| Зомин | 361,7 | 107,7 | 2 293,4 | 105,7 |
| Зарбдор | 120,5 | 105,4 | 1 462,6 | 103,2 |
| Зафаробод | 87,0 | 106,0 | 1 801,5 | 104,2 |
| Мирзачўл | 113,7 | 106,0 | 2 287,9 | 103,5 |
| Пахтакор | 172,6 | 106,9 | 2 394,1 | 105,3 |
| Фориш | 150,0 | 105,6 | 1 665,0 | 104,0 |
| Янгиобод | 45,0 | 105,6 | 1 647,5 | 104,5 |

2018 йилнинг январь-сентябрида улгуржи савдо товар айланмаси 939,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 145,1 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг январь-сентябрида улгуржи савдо товар айланмаси 495,0 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 264,3 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 96,5 % га кўпайиб, 444,1 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 47,3 % ни ташкил қилди.

**Улгуржи товар айланмаси**

*2018 йилнинг январь-сентябрида*

| | *Млрд. Сўм* | *Жамига нисбатан, %да* | *2017 йил январь-сентябрга нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| **Жиззах вилояти** | **939,1** | **100,0** | **145,1** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 568,0 | 60,5 | 134,8 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 19,3 | 2,1 | 475,6 |
| Бахмал | 30,9 | 3,3 | 180,7 |
| Ғаллаорол | 20,8 | 2,2 | 105,8 |
| Ш.Рашидов | 74,8 | 8,0 | 121,6 |
| Дўстлик | 60,5 | 6,4 | 179,0 |
| Зомин | 42,4 | 4,5 | 103,3 |
| Зарбдор | 29,3 | 3,1 | 520,2 |
| Зафаробод | 18,8 | 2,0 | 451,8 |
| Мирзачўл | 22,1 | 2,4 | 1177,3 |
| Пахтакор | 29,6 | 3,2 | 214,7 |
| Фориш | 15,3 | 1,6 | 96,6 |
| Янгиобод | 7,1 | 0,8 | 96,8 |